

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ГУЛОВА МУНИСАХОН АФЗАЛОВНА**

**МИГРЕННИНГ АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ КАСАЛЛИГИ  
БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЛГАНИДА РИВОЖЛАНАДИГАН  
СУРУНКАЛИ МИЯ ИШЕМИЯСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ КЛИНИК, ГЕМОДИНАМИК ВА БАЪЗИ  
БИОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertations abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Гулова Мунисахон Афзаловна**

Мигреннинг артериал гипертензия касаллиги билан биргаликда келганида ривожланадиган сурункали миёна ишемияси шаклланишининг замонавий клиник, гемодинамик ва баъзи биохимик жиҳатлари .....3

**Гулова Мунисахон Афзаловна**

Современные клинко-гемодинамические и некоторые биохимические аспекты развития хронической ишемии мозга при мигрени, коморбидной с гипертонической болезнью .....25

**Gulova Munisakhon Afzalovna**

Modern clinical, hemodynamic and some biochemical aspects of the development of chronic cerebral ischemia in migraine comorbid with hypertension .....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ГУЛОВА МУНИСАХОН АФЗАЛОВНА**

**МИГРЕННИНГ АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ КАСАЛЛИГИ  
БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЛГАНИДА РИВОЖЛАНАДИГАН  
СУРУНКАЛИ МИЯ ИШЕМИЯСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ КЛИНИК, ГЕМОДИНАМИК ВА БАЪЗИ  
БИОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафадоктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.2.PhD/Tib2764 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Саидвалиев Фаррух Саидакромович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Джурабекова Азиза Тахировнат**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Каракуловой Юлия Владимировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200007, Бухоро, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44); e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил:200007, Бухоро, Ғиждувон кўчаси, 23-уй.

Диссертация автореферати 2025-йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Д.Т. Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ, 2020) маълумотларига кўра, бош оғриғи билан азият чекканлар сони охириги ўн йил ичида кескин ошиб бормоқда ва умумий касалликнинг тахминан 50%ни, мигрень касаллиги эса 30%ни ташкил этади<sup>1</sup>. Мигрень –хуружсимон такрорланувчи, гемикрания кўринишидаги пароксизмал бош оғриғи ҳисобланади, унинг асосида бош мия қон-томирларининг мунтазам дистонияси(вазokonстрикция/вазодилатация) ётади. Касаллик наслий асосга эгаллиги бир неча тадқиқотда исботланган ва аломатлари жинсий етилиш даврида пайдо бўлиб, бошланиши 18-30 ёшга тўғри келади. Исботланган манбаларга кўра мигрень касаллиги аёлларда эркакларга кўра 3:1 нисбатда кўпроқ учрайди ва 50 ёшдан кейин мустақил касаллик сифатида деярли учрамайди. Мигрень билан касалланган аҳолининг 1,7-4 фоизи 1 ой давомида 15 ва ундан ортиқ кун давомида бош оғриғи хуружидан азият чекади, яъни оғриқ сурункали бош оғриғи сифатида қайд этилади. Бу касалликнинг долзарблиги унинг аҳоли ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини кескин пасайтириши, томир асоратларини шакллантириши (сурункали мия ишемияси, энцефалопатия), ногиронликка олиб келиши билан белгиланади.

Дунё миқёсидаги Global Burden of Diseases (GBD-2022)<sup>2</sup>тадқиқотида келтирилишича, ногиронлик билан ўтган ҳаёт йиллари кўрсаткичи (Years Lived with Disability, YLD)га кўра,меҳнатга лаёқатсизлик бўйича бош оғриғи умумий аҳолининг15-49 ёшли гуруҳи орасида биринчи ўринда туради, хусусан, мигрень бунда етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу тадқиқотлар ҳаёт сифатини кескин пасайтирувчи 10та тиббий сабаблар орасида мигрень олтинчи ўринни, инсульт ривожланиши бўйича тўртинчи ўринни ва меҳнатга лаёқатсизлик ҳамда ҳаётга мослашувнинг пасайиши бўйича биринчи ўринни эгаллашини белгилаб берган (GBD-2023). Баъзи тадқиқотларда мигрень касаллиги умумий аҳоли орасида 4 фоиздан 10 фоизгача учрашини аниқланган. Буюк Британияда, 2019 йил ҳолатида шифокорларга умумий мурожаат қилганларнинг 4%ни мигрень касаллиги ташкил этган, мигрень хуружлари ҳар куни 190 минг аҳолида кузатилган, 100 минг аҳоли ишга ёки ўқишга бора олмаслиги сабабли 1 йилда 25 млн иш куни йўқотилган, хуружлар ойига икки марта такрорланганда, ҳар бир аҳоли тахминан икки йил умрини йўқотганлиги статистик исботланган (С.Н. Давиденков, 2020).

Мамлакатимиз олимлари орасида ушбу касаллик бўйича илмий тадқиқотлар охириги 20 йил давомида авж олиб, нафақат мигренни мустақил хасталик сифатида, балки ёндош касалликлар билан бирга келганида клиник кечиши, белгиларнинг намоён бўлиши, асоратлар ривожланиши, ташхислаш, даволаш ҳамда профилактик муаммоларига катта эътибор берилмоқда.

<sup>1</sup> Headache Classification Committee of the International Headache Society (IHS) The International Classification of Headache Disorders, 3rd edition (beta version). Cephalalgia 2020; 33: 9:629—808

<sup>2</sup>Murray J.L.The Global Burden of Disease Study at 30 years Christopher Nature Medicine volume 28, P.2019–2026 (2022)

Айниқса, глобал муаммога эга бўлган хафақон касаллиги мигрень билан бирга кечиши цереброваскуляр тизимини янада кескин зарарланишига олиб келиши, патогенетик жиҳатдан ҳар иккала касаллик бош мия қон-томирлари фаолиятини янада пасайтириш эҳтимоли ўткир инсульт, сурункали мия ишемияси, томир энцефалопатияси, томир деменциясини чақириши мумкинлигидан ва қолаверса ушбу жараёни тезлаштиришидан далолат беради, ўз навбатида оғир ва қайтмас оқибатларни ўз вақтида аниқлаш, дифференциал ташхислаш, бартараф этиш ва даволашни талаб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 май, 2018 йил «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони<sup>3</sup>; 30 август, 2018 йил «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3925-сон қарори; 13 февраль, 2019 йил «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4190-сон қарори; 28 июль, 2021 йил «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5199-сон Қарори; 19 июнь, 2023 йил «Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-196-сон<sup>4</sup> қарори, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Бироқ, бош оғриғи, айниқса мигрень касаллиги ва у билан коморбид ривожланувчи касалликлар борасида қилинаётган ишлар аҳамиятли ютуқларга олиб келаётганлигига қарамай, касалликнинг патогенетик жиҳатлари, клиник кечишидаги кўриниши ва босқичлари, ташхислаш муаммолари, катта эҳтимол билан ривожланадиган неврологик асоратлар патогенези, асосий ва ҳамкор касаллик белгиларининг ҳамда асоратларининг ривожланиш тезлиги, уларни башоратлаш, профилактик чоралари ҳали ҳануз етарлича ўрганилмай қолмоқда.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий маълумотларда мигрень ва хафақон касаллиги орасидаги боғлиқлик тўғрисида турли хил қарашлар мавжуд, уларга кўра, тўғри, тесқари ва ҳатто нейтрал боғлиқлик (ассоциация) кузатилади. Қон босимининг (ҚБ) алоҳида кўрсаткичлари солиштирилганда мигрень юқори диастолик ва кичик пульсатив босим билан боғлиқлиги, шу ўринда, бирор бир тадқиқотда унинг систолик қон босими

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.12.2018 йилдаги ПФ-5590-сон

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари: 30.08.2018 йилдаги ПҚ-3925-сон; 13.02.2019 йилдаги ПҚ-4190-сон; 28.07.2021 йилдаги ПҚ-5199-сон; 19.06.2023 йилдаги ПҚ-196-сон

билан боғлиқлиги кўрсатилмаган (Rist P.M. et al., 2018). Ундан ташқари, мигрень билан азият чекканлар хафақон касаллигига ўта мойиллиги исботланган (Antropova O.N. et al., 2022).

Mahmoud A.N. et al. (2018) тадқиқотида 16та когорт текширув усули миқёсида 1,1 миллион аҳолини жалб этган ва мета-таҳлил натижаси мигрень ишемик инсульт ва юрак ишемик касаллиги билан боғлиқлигини исботлаган, бунда аурали мигрень айниқса хавfli омил эканлигини таъкидлаган. 3-халқаро таснифда бош оғриғининг хафақон касаллиги билан боғлиқлиги алоҳида касаллик деб қабул қилинган, бунда систолик ҚБ (СКБ)  $\geq 180$  мм сим.уст., диастолик ҚБ (ДҚБ)  $\geq 120$  мм рт.ст.га тенг бўлиши муҳимлиги қайд этилган. Gardener H.K. et al. (2016) тадқиқотларида артериал гипертензиянинг мигрень билан тўғри корреляцион боғлиқлиги таъкидланган. Gudmundsson L. S., et al. (2019) йиллардаёқ популяцион тадқиқот натижаларига кўра мигрень билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбатан систолик ҚБнинг паст кўрсаткич ва диастолик ҚБнинг юқори кўрсаткичга эга эканлигини кузатган. Тадқиқот натижасига кўра 1 йил давомида мигрень тарқалиши эркаклар орасида 5,2%ни, аёллар орасида 14,1%ни ташкил этган ва хафақон касаллиги билан мигрень орасида аҳамиятли боғлиқлик мавжуд эмас деган хулосага келган (бунда диастолик ҚБ ошганида мигрень ривожланиш хавфи эркакларда 14%га аёлларда 30%га ошган. Систолик ҚБ ошганида эса мигрень ривожланиш хавфи эркакларда 19%га, аёлларда 25%га пасайган, шу билан бирга, пульсатив ҚБнинг ошиши ҳам мигрень ривожланиш хавфини эркак ва аёлларда камайтирган). Fageraas C.F. et al. (2015) ва Dimple Sethi Chopra et al. (2018) ларнинг Огаё штати Университети тиббиёт ва жамоат саломатлиги коллежининг оилавий тиббиёт факультетида ўтказган тадқиқот натижасига кўра 30 млн америкалик мигрень билан оғриган бемор умумий аҳволи, касаллик ривожланиши, оғирлик даражасига оила ва оилавий муҳитнинг таъсири ғоят муҳим аҳамиятга эга. Муаллифлар таъкидлашича, хафақон касаллиги мигрень ва кардиоваскуляр хасталик орасидаги аҳамиятли омиллиги баъзи гипотензив дори воситаларининг мигрень хуружларини даволаш ва профилактикасида самарали эканлиги билан изоҳланади (бета-адреноблокаторлар, ангиотензинга айлантирувчи фермент ингибиторлари, ангиотензин II рецептор блокаторлари).

Ўзбек олимлари орасида Гафуров Б.Г. (2009) мамлакатдаги сурункали бош оғриқлари эпидемиологик ҳолатини; Рахматуллаева Г.К. (2018) мигрень патогенезида генетик асосга эга церебрал томирлар ва эндотелийси аномалиясининг ролини; Шомансуров Ш.Ш. ва ҳаммуал. (2019) болаларда мигреннинг клиник кечишини; Саноева М.Ж. (2020) асоратли мигрен патогенези ва оғир церебрал томир асоратлари ривожланиши, уларни даволаш, профилактика муаммоларини; Саидвалиев Ф.С. ва ҳаммуал. (2022) мигреннинг гипотиреоз билан коморбид келганида клиник-нейрофизиологик хусусиятларини; Рахимова Ш.М. (2024) зўриқиш бош оғриғи ва мигрень коморбид келганида абзус бош оғриғи ривожланиш патогенезини ўрганишган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, мигрень ҳамда у билан ҳамкор кечадиган касалликлар ўрганилаётганлигига қарамай, ташхислаш, клиник кўриниш, асоратлар ривожланиши, профилактика жиҳатидан, айниқса хафакон касаллиги коморбид келганида ҳали ҳануз муаммоларга бой ва чуқур таҳлилни талаб этади. Касаллик асосида асоратлар шаклланиши тўғрисидаги билимларни бойитиш, сурункали мия ишемияси, томир энцефалопатияси ривожланишини илмий асослаш нафақат неврология, балки соғлиқни сақлаш тизимининг кўп жабҳаларида муаммоларнинг ечимига йўл очади.

**Илмий ишнинг муассаса илмий-тадқиқот дастури билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (03.2025PhD.221) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш, ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқот мақсади.** Хафакон касаллиги билан оғриган беморларда мигреннинг клиник, гемодинамик, нейровизуал, биохимик ўзига хослигини ўрганиш, томир асоратлари ривожланишининг асосий ташхислаш мезонларини аниқлаб сурункали мия ишемиясининг эрта ташхислаш алгоритмини яратиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

хафакон касаллиги билан оғриган беморларда мигреннинг клиник кечиши, гемодинамик, нейровизуал ўзгаришларнинг ўзига хослигини таҳлил этиш;

хафакон касаллиги билан оғриган беморларда мигреннинг биохимик ўзига хос кўрсаткичларини аниқлаш;

мигренининг хафакон касаллиги билан ҳамкор келганида ривожланиш эҳтимоли мавжуд асоратларнинг клиник, неврологик, гемодинамик ва биохимик мезонларини ишлаб чиқиш;

мигренининг хафакон касаллиги билан ҳамкор келганида сурункали мия ишемияси ривожланишининг эрта ташхислаш алгоритмини яратиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2022-2024 йиллар давомида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам амалий маркази Бухоро филиалида мигрень ва хафакон касаллиги билан хасталанган 126 нафар бемор тадқиқотга жалб қилинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида қон зардоби, клиник, неврологик, гемодинамик, нейрофизиологик, нейровизуал, лаборатор таҳлил натижалари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий тадқиқотда клиник-неврологик, лаборатор (ревмосинама, кортизол, креатинин, мочевино, липид спектр, гемостазограмма, умумий қон таҳлиллари), нейрофизиологик (экстра- ва транскраниал УТДГ, бош мия ЭЭГси), нейровизуал (бош мия МРТси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

клиник, неврологик, нейробиологик ўзгаришларга кўра мигреннинг хафакон касаллиги билан ҳамкор кечганида сурункали мия ишемияси эрта ривожланиши асосланган;

мигренинг хафакон касаллиги билан ҳамкор келганида электроэнцефалография усули асосида сурункали мия ишемияси ривожланишининг юқори (HRVD=3) ва ўта юқори (HRVD=4) хавф даражага эга нейробиологик прогностик мезони аниқланган;

хафакон касаллиги билан бирга кечадиган мигренда церебрал томирлар ауторегуляцияси ва мия захира ҳолатининг кескин пасайиши, энцефаломалация ўчоқларининг шаклланиши, триглицерид, ПЗЛП, кортизол, СРО, D-димер микдорининг ошиши касаллик эрта даврида томир энцефалопатияси ривожланишининг асосий мезонлари эканлиги исботланган;

хафакон касаллиги ҳамкорлигида кечадиган мигрень фонида шаклланидиган сурункали мия ишемиясини эрта ташхислаш алгоритми яратилган.

### **Тадқиқот амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

неврологик, нейробиологик, нейровизуал, гемодинамик ва лаборатор кўрсаткичларни қиёслаш натижасида мигрен хафакон касаллиги билан ҳамкор кечганида бош мия томир асорати – сурункали мия ишемиясининг эрта шаклланиши аниқланган;

мигренинг хафакон касаллиги билан коморбидлигида давомий динамик кузатув натижасида бош мия томир асоратлари, яъни энцефалопатияни башоратловчи эрта ташхислаш мезонлари белгиланган;

мигренинг хафакон касаллиги билан коморбидлигида кечган беморларда оғир, қайтмас қон-томир асоратлари, айнан, сурункали мия ишемияси ривожланишининг профилактик чора-тадбирлари белгиланган.

Ушбу тадқиқот натижаси мигренинг хафакон касаллиги билан коморбид кечганида неврологик/томир асоратларини эрта ташхислаш, олдини олиш имконини яратувчи комплекс неврологик, нейробиологик, нейровизуал, гемодинамик ва лаборатор текширув усуллари нафақат неврологик, балки терапевтиклмий-амалий текшириш марказлари, стационар ва амбулатор шароитида, ҳамда умумий амалиёт шифокорлари учун фойдаланишга таклиф қилинган. Бундай ёндашув даволаш усулини тўғри танлаш, қўйилмаган ва ортиқча харажатлар олдини олиш, касалхонада ётоқ кунлари ҳамда амбулатор даволаниш давомийлигини қисқартириш, ногиронлик, меҳнатга яроқсизлик кўрсаткичларини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий, бир-бирини тўлдирувчи текширув усуллариининг қўлланилиши, тўғри танланган замонавий ёндашув, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, неврологик, гемодинамик, нейробиологик, нейровизуал, лаборатор статистик текшириш усулларига асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар

билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мигреннинг хафақон касаллиги билан ҳамкор келганида неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал, гемодинамик бузилишлари асосида сурункали мия ишемиясини эрта ташхислаш мезони яратилганлиги, шу билан бирга нейропсихологик, психоэмоционал ўзгаришлар мавжудлиги ўз вақтида, тўғри даво муолажасини танлаш учун шароит яратилганлиги, томир энцефалопатияси ривожланиши профилактикасига асос солинганлиги ҳамда беморлар жисмоний ва психологик лаёқатини ошириш, меҳнат қобилиятини тикланиш натижасида ҳаёт сифати такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мигреннинг хафақон касаллиги билан коморбидлигида неврологик, бош мия қон-томир ўзгаришлари белгиларини комплекс клиник, неврологик, лаборатор-инструментал текширув усуллари асосида чуқур таҳлил ўтказилиши сурункали мия ишемиясини эрта ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш, когнитив фаолият оғир бузилишининг олдини олиш, томир деменцияси ривожланишининг профилактик тадбирларини танлаш ва эҳтиомли кучли ногиронлик ривожланишини камайтириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мигреннинг хафақон касаллиги билан ҳамкор кечишида эрта ривожланадиган сурункали мия ишемиясининг клиник, гемодинамик, биокимёвий комплекс текширувлар илмий натижаси асосида:

Мигреннинг хафақон касаллиги билан ҳамкор кечишида ташхислаш тамойилига асосланган «Хафақон касаллиги билан коморбид кечувчи мигреннинг ташхислаш алгоритми» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 сентябрдаги 24-м/045-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаси касалликнинг дастлабки босқичидаёқ жиддий неврологик, бош мия томир асорталарини эрта ташхислаш орқали оғир асоратлар олдини олиш, профилактик ва даволаш тадбирларини эрта, тўғри танлаш имконини берган.

Ўтказилган тадқиқот натижаси Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/79-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши мигреннинг хафақон касаллиги билан ҳамкор кечишида неврологик, бош мия қон-томир асоратларини эрта ташхислаш, профилактик тадбирларини ишлаб чиқиш, оғир ва қайтмас неврологик асоратларнинг (сурункали мия ишемияси) олдини олиш ва шу орқали ногиронлик даражасини камайтиришга имкон яратган.

**Биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** хафақон касаллиги ҳамкорлигида кечган мигренли беморларда клиник, неврологик, нейропсихологик, психоэмоционал зарарланиш белгилари асосида бемор

ёшидан қатъий назар сурункали мия ишемияси ривожланишини эрта аниқлашга эришилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** хафакон касаллиги ҳамкорлигида кечган мигренда неврологик, гемодинамик, нейрорфизиологик, нейровизуал бузилишлар амбулатор шароитида эрта аниқланганлиги орқали стационар даво муддатини қисқартиришга имкон яратилди. Текширувлар асосида сурункали мия ишемияси ривожланишини эрта аниқлаш орқали стационар даволаниш давомийлиги 10 кундан 8 кунга қисқарган, бу эса 238.700 сўм кунлик харажат ҳисобидан ҳар бир беморда бюджет маблағларидан 477.400 сўм иқтисод қилишга эришилган ва 20 нафар бемор учун 40 стационар даво/кун ва 9.548.000 сўм маблағ иқтисод қилинган. **Хулоса:** Олинган натижаларга асосланиб хафакон касаллиги ҳамкорлигида кечган мигренли беморларда ривожланадиган бош мия қон-томир асоратларини эртааниқлаш натижасида ҳар бир беморга 2 стационар даво/кун, 477.400 сўм койка/кун ҳисобидан, 252.642 сўм дори-воситалари ҳисобидан маблағ иқтисод қилинган ва ҳар бир бемор учун 730.042 минг сўмлик иқтисодий самарага эришилган, касаллик асорати ривожланишининг олди олинган, натижада ҳаёт сифати яхшиланган, ишга яроқлилиқ кўрсаткичи тикланган, шу билан ижтимоий самарага эришилган.

**Иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** мигреннинг хафакон касаллиги билан коморбид кечганида гемодинамик, нейровизуал, нейрорфизиологик, биокимёвий (гемостазограмма, липид спектри) кўрсаткичларнинг патологик ўзгариши асосида томир энцефалопатиясининг эрта шаклланиши исботланган ҳолда невролог, терапевт ва умумий амалиёт шифокорлари учун эрта профилактик тадбирларни танлаш ва ўтказишга хизмат қилади, шунингдек, ушбу касаллик устидан назорат қилиш, ушбу беморларга дифференциаллашган ёндашиш ҳамда чуқур когнитив фаолият бузилиши олдини олиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** амбулатор ва стационар шароитида гемодинамик, нейровизуал, нейрорфизиологик, биокимёвий (гемостазограмма, липид спектри) кўрсаткичларини таҳлил этиш орқали мигреннинг хафакон касаллиги билан коморбид кечганида даволашнинг дифференциал усули танланади, бу эса полипрогмазиянинг олдини олиб дори воситасига кетадиган маблағни учдан бир қисмга қисқартириш имконини беради, ушбу миқдор ҳар бир бемор учун бюджет харажатларини 1 кунда 126.321 сум, 10 кунда эса 1.263.210 сўмга иқтисод қилишга эришилади. **Хулоса:** мигреннинг хафакон касаллиги билан коморбид кечганида гемодинамик, нейровизуал, нейрорфизиологик, биокимёвий кўрсаткичларнинг патологик ўзгариши сурункали мия ишемиясининг эрта ривожланиши исботланган ҳамда башоратлашдаги аҳамияти тасдиқланган.

**Учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тадқиқотда олинган натажалар асосида эҳтимоли кучли томир энцефалопатияси, чуқур когнитив бузилишлар сабаб ҳаёт сифатининг пасайиши, ногиронлик ривожланишининг олдини олувчи профилактик ёндашиш ҳамда эрта ташхислаш имконини берувчи ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** мигреннинг хафакон

касаллиги билан коморбид кечганида неврологик ва бош мия қон-томир асоратларини эрта ташхислаш натижасида ҳар бир бемор ҳисобига 10 кунда 1.263.210 сўм дори воситалари, 2.387.000 сўм стационар даво/кун ҳисобига (жами: 3.650.210 сўм) сўм иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** Олинган илмий натижаларининг амалиётга жорий қилиниши мигреннинг хафакон касаллиги билан коморбид кечганида ривожланадиган неврологик, томир асоратларини камайтириш, тиббиёт ходимларининг ушбу касаллик тўғрисидаги билимларини ошириш, беморларни янада самарали даволаш, касаллик эрта даврида профилактик тадбирларни тўғри танлаш имконини берган.

**Тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тадқиқотда олинган натажалар асосида эҳтимоли кучли сурункали мия ишемияси, чуқур когнитив бузилишлар сабаб ҳаёт сифатининг пасайиши, ногиронлик ривожланиши профилактикасига имкон яратувчи эрта ташхислаш алгоритми яратилган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** мигреннинг хафакон касаллиги билан коморбид кечганида неврологик ва бош мия қон-томир асоратларини эрта ташхислаш алгоритми ортиқча текширув усулларини тадбиқ этмасликни тақозо этган ва бу билан 1.124.000 сўм иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** Олинган илмий натижаларининг амалиётга жорий қилиниши мигреннинг хафакон касаллиги билан коморбид кечганида ривожланадиган сурункали мия ишемиясини эрта ташхислаш беморларда асоратлар профилактикасини ўтказиш, эрта, мақсадли ва индивидуал даво танлаш имконини берган ва бу билан ногиронликни пасайтиришга эришилган.

**Олинган натижаларнинг апробацияси.** Илмий тадқиқот иши натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та Республика миқёсида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг асосий илмий натижаларини нашр этишга тавсия қилинган журналларда 7 та мақола, шундан 3 таси Республика, 4 таси хорижий журналларда (SCOPUS базасида), 2 та ихтиро патенти (IAP №22118, 2023; IAP №38570, 2023), 1 та ЭХМ дастур ишлаб чиқилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, текширув объектиҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган


натижаларнинг илмийлиги, амалий натижаларининг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация маълумотлари, нашр қилинган мақола ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Мигрень - этиопатогенези, эпидемиологияси, клиник кечиши, таснифи (адабиётлар шарҳи)"** деб номланган биринчи бобида мигрень касаллигининг этиопатогенези, эпидемиологияси, клиник кечиш вариантлари, таснифи, бирга кечадиган коморбид ҳолатлар назарий жиҳатлари чуқур талқин этилган, гипертония касаллиги билан коморбид бўлган мигрень касаллигида неврологик ўзгаришлар, эҳтимоли мавжуд асоратларни ташхислашнинг замонавий усуллари бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Сўнгги 10-йиллик хорижий адабиётлар таҳлили мавжуд усуллар аҳамияти ва ўрганилмай қолган томонлари, шунингдек, муаммонинг ҳал этилмаган ёки ўрганишни талаб қиладиган жиҳатлари ёритиб берилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материали ва усуллариининг клиник тавсифи"** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усуллариининг умумий тавсифи, шунингдек, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари бағишланган асосий масалалар кўриб чиқилган. Тадқиқот Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилинич тиббий ёрдам амалий маркази Бухоро филиалига 2020-2023-йиллар давомида стационар ва амбулатор даволанишга мурожаат қилган мигрень ва хафакон касаллиги ҳамкор бўлган 126 нафар беморнинг клиник-неврологик, лаборатор ва инструментал таҳлилларига асосланган. Олинган натижаларнинг объективлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида 126 (100%) нафар беморнинг таҳлил натижалари уч гуруҳга бўлиб ўрганилди: 1-асосий гуруҳ – мигрень ва коморбид кечган хафакон касаллиги мавжуд 41 (32,5%) нафар бемор; 2-қийёсий гуруҳ – мигрень касаллиги билан оғриган 47 (37,3%) нафар бемор; 3-қийёсий гуруҳ – хафакон касаллиги билан оғриган 38 (30,2%) нафар бемор.


Диссертациянинг **"Хафакон касаллиги билан оғриган беморларда мигрень кечишининг клиник-неврологик хусусиятлари"** деб номланган учинчи бобида сабаб-оқибат омиллари, касаллик кечишининг клиник-неврологик, психоэмоционал, нейрокогнитив, қон зардобадаги баъзи биокимёвий таҳлил натижалари баён этилган, мигренни ташхислаш ва кечишининг оғирлик даражасини аниқлаш мақсадида махсус сўровнома ва шкалалардан фойдаланилган. Субъектив белгилар орасида асабийлик, жиззакилик, иштаҳанинг пасайиши, уйқусизлик 2- ва 3-гуруҳларда деярли бир хил миқдорда ифодаланган бўлиб статистик жиҳатдан 1-асосий гуруҳдан ишончли кам миқдорни кўрсатди ( $p < 0,05$ ). Фотофобия 1- ва 2-гуруҳдаги беморларда деярли бир хил, бош айланиши ( $p < 0,001$ ), қулоқ шанғиллаши ( $p < 0,001$ ), юрак уриши ҳисси ( $p < 0,001$ ), кўкрак қафасида оғриқ ( $p < 0,001$ ), юрганда координация бузилиши ( $p < 0,001$ ) 1-асосий гуруҳда ишончли миқдорда устунлик қилди. Шунингдек, қусиш ( $p < 0,001$ ), фотофобия

( $p < 0,001$ ), фонофобия ( $p < 0,001$ ), гиперосмия ( $p < 0,001$ ) 1-гурухда 3-гурухга нисбатан сезиларли даражада устунлик қилди, юрак уриш ҳисси эса деярли бир хил миқдорда эканлиги аниқланди (1-расм).



**1-расм. Субъектив белгиларнинг гуруҳларда тақсимланиши**

Мигрень билан оғриган беморларда, хафакон касаллиги мавжудлигидан катъий назар (1- ва 2-гурух), гемикраник турдаги бош оғриғи (БО) устунлик қилди, гипертония касаллигида эса (3-гурух) асосан диффуз БО кузатилди (2-расм).



**2-расм. Бош оғриғининг локализацияси бўйича тақсимланиши**

Бош оғриғи хуружларининг таркибига кўра, 2-гурух беморларида касаллик давомийлиги биринчи ва учинчи гуруҳга (1,7 ва 2,2 марта) нисбатан сезиларли устунлик қилган. Бош оғриғининг давомийлиги, интенсивлиги, охириги 3 ойдаги хуружлар сони, 2- ва 3-гурухларда 1-гурухга нисбатан

сезиларли камроқ бўлган, хуружлар орасидаги ёруғ оралик (хуружсиз давр) эса 2- ва 3-гуруҳларда статистик жиҳатдан ишончли узоқроқ бўлган ( $p<0,001$ ), ушбу натижа гипертония мигрень касаллигининг оғирлаштирувчи омили ва уларнинг коморбидликда кечиши клиник кўринишларнинг оғир кечишидан ҳамда цереброваскуляр томирларнинг дистонияси янада чуқурлашишидан далолат беради (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўрганилаётган гуруҳларда бош оғриғи хуружларининг таркиби

Хуружлар таснифи	1-гурух (асосий) $n=41$ (М+АГ)	2-гурух (қиесий) $n=47$ (М)	3-гурух (қиесий) $n=38$ (АГ)
Касаллик давомийлиги (йил)	$7,8\pm0,34$	$13,6\pm0,48^{**}$	$6,2\pm0,31^*$
Хуруж давомийлиги (кун)	$12,2\pm0,42$	$3,7\pm0,31^{***}$	$0,7\pm0,03^{***}$
Охирги 3 ойда хуружлар сони	$8,3\pm0,28$	$5,8\pm0,22^*$	$3,4\pm0,28^{***}$
Хуружсиз оралик давомийлиги (кун)	$5,7\pm0,31$	$12,8\pm0,29^{**}$	$21,3\pm0,46^{***}$

Изоҳ: \* - 1-асосий гуруҳга нисбатан фарқлар аҳамиятли (\*-  $p<0,05$ ; \*\* -  $p<0,01$ ; \*\*\* -  $p<0,001$ )

Ҳаракат тизими фаолиятининг гемигиперрефлексия, кўл-оёқлар кучининг геми- ёки монотип бўйича зарарланиши кўринишида; сезги тизимининг тана турли қисмларида зарарланиши (гипер-, диз- ёки гипестезия); БМН фаолияти зарарланиши юз ва тил ости нервларининг марказий парези кўринишида; Ромберг синамаси ва юрганда ҳаракат координациясининг бузилиши 1-гуруҳда 2- ва 3-гуруҳларга нисбатан ишончли кўпроқ намоён бўлди ( $p<0,001$ ). Шунини таъкидлаш жоизки, мигрень билан оғриган беморларда (2-гурух) неврологик ўчоқли белгилар деярли доим мигрень хуружлари даврида вақтинчалик белги сифатида намоён бўлди, бу эса шубҳасиз, мигреноз хуруж пайтидаги мия томирлари спазми билан боғлиқ эканлиги эҳтимолини тасдиқлайди. NRS, VRS и VAS ларнинг қўшма – учўлчовли оғриқ шкаласи (УЎОШ) орқали бош оғриғининг сифат ва миқдорий хусусиятлари аниқланди ва юз оғриғи шкаласи (FSC) билан таққосланди, унинг натижасига кўра БО интенсивлиги гипертония билан коморбид бўлган мигрень касаллигида 2-(мигрень) ва 3-(хафақон касаллиги) гуруҳларга нисбатан статистик жиҳатдан устунлик қилди ( $p<0,01$ ;  $p<0,001$ ) (2-жадвал).

HDRS-21, HAM-A шкалалари психоэмоционал ҳолатнинг қиёсий таҳлили беморларда яққол депрессия, яққол ва оғир хавотир бузилишининг 1-асосий гуруҳда 2- ва 3-гуруҳларга нисбатан сезиларли даражада устунлигини аниқлашга имкон берди ( $p<0,01$ ;  $p<0,001$ ) (3-жадвал).

**2-жадвал****Бош оғриғи интенсивлигини таққослаш (УЎОШ, FSC бўйича)**

Гуруҳ	УЎОШ	FSC
1-гуруҳ (асосий) n=41 (М+АГ)	9,3±0,08	4,8±0,03
2-гуруҳ (қиёсий) n=47 (М)	7,4±0,06**	3,3±0,04**
3-гуруҳ (қиёсий) n=38(АГ)	4,2±0,12***	2,3±0,04***

Изоҳ: \* - 1-асосий гуруҳга нисбатан фарқлар аҳамиятли (\*-  $p<0,05$ ; \*\* -  $p<0,01$ ; \*\*\* -  $p<0,001$ )

HDRS-21, HAM-A шкаллари психоэмоционал ҳолатнинг қиёсий таҳлили беморларда яққол депрессия, яққол ва оғир хавотир бузилишининг 1-асосий гуруҳда 2- ва 3-гуруҳларга нисбатан сезиларли даражада устунлигини аниқлашга имкон берди ( $p<0,01$ ;  $p<0,001$ ) (3-жадвал).

**3-жадвал****HDRS-21, HAM-A шкаллари бўйича психоэмоционал ҳолат таҳлили**

Депрессив ҳолат (балл)			
Кўрсаткич	1-гуруҳ (асосий)(М+АГ) n=41	2-гуруҳ (қиёсий) (М)n=47	3-гуруҳ (қиёсий) (АГ) n=38
Депрессия мавжуд эмас	14,8±0,57	13,3±0,22*	13,0±0,25*
Субклиник депрессия	23,2±0,29	19,7±0,37*	17,6±0,41**
Яққол депрессия	32,8±1,7	29,5±1,5*	-
Хавотир (балл)			
Ваҳима мавжуд эмас	-	-	-
Кучсиз хавотир	10,4±0,28	8,12±0,38*	8,18±0,34*
Ўртача хавотир	18,3±0,38	17,1±0,26*	16,9±0,24*
Кучли хавотир	26,7±0,41	22,3±0,31**	21,8±0,27**
Оғир хавотир	29,6±0,43	28,2±0,38	28,4±0,32

Изоҳ: \* - 1-асосий гуруҳга нисбатан фарқлар аҳамиятли (\*-  $p<0,05$ ; \*\* -  $p<0,01$ )

Тадқиқот давомида беморларда когнитив фаолиятнинг зарарланганлиги аниқланди: 1-гуруҳ беморларида Крепелин ҳисоблаш усулида диққатнинг ҳажми, концентрацияси ва тақсимланишининг пасайганлиги, уларнинг бош оғриғи хуружлари давомийлиги, учраш сони, қон босими даражаси билан боғлиқлиги, аммо касаллик бошланишининг ва кечишининг давомийлигига боғлиқ эмаслиги аниқланди. М.П.Кононова (2016) синамаси таҳлилида диққатнинг барқарорлиги, кўчувчанлигининг пасайганлиги ва тарқоқлиги кузатилди. Шульте синамаси асосида ҳар учала гуруҳда ахборотни қайта тиклаш тезлигининг пасайганлиги қайд этилди, шу ўринда 1-асосий гуруҳ

ушбу ўзгаришлар бўйича 2- ва 3-гуруҳларга нисбатан сезиларли устунлиги билан ажралиб турди ( $p<0,001$ ). Mini-Cog тестининг таркибидаги барча учта топшириқ натижалари қиёсий таҳлилига кўра хатолар сонининг миқдори бўйича қисқа муддатли хотиранинг пасайганлиги аниқланди, аммо гуруҳлар натижаси ўзаро таққосланганда ушбу хатолик 1-асосий гуруҳда иккала қиёсий гуруҳларга нисбатан статистик жиҳатдан яққолроқ ифодаланган эди (2-гуруҳ ( $p<0,001$ ); 3-гуруҳ ( $p<0,05$ )).

Ревматологик комплекс таҳлили барча гуруҳларда C-реактив оксил концентрациясининг ошишга мойиллигини кўрсатди. Бунга ўхшаш ўзгаришлар креатинин, триглицерид, кортизолларнинг веноз қондаги миқдорига нисбатан ҳам қайд этилди, аммо 1-гуруҳда ушбу тенденция 2- ва 3-гуруҳларга нисбатан сезиларлироқ даражада юқори бўлди ( $p<0,05$ ;  $p<0,001$ ). Хафақон касаллиги билан оғриган 3-гуруҳдаги беморларда умумий холестерол, ПЗЛП (паст зичликдаги липопротеид) даражасининг патологик ошиши кузатилган бўлса, 1-гуруҳдаги мигрень билан коморбид хафақон касаллиги мавжуд беморларда касаллик бошланиши ва кечишининг давомийлигидан қитъий назар ушбу таҳлил физиологик меъёр чегарасида бўлган. Гемостазограммани комплекс ўрганиш 1-гуруҳдаги беморларда протромбин индекси, протромбин вақти, МНО, фибриноген, D-демирнинг ошганлиги, аммо ушбу ўзгариш 3-гуруҳдаги беморлар таҳлили натижасига нисбатан анча паст миқдорни ташкил этганлиги гувоҳи бўлдик ( $P<0,05$ ) бундай натижа хафақон касаллиги билан оғриган беморларда мигреннинг ҳамкор келиши мигреноз хуруж сабаб ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ)ни мунтазам ва тартибсиз қабул қилиниши, ушбу дори воситалари эса қоннинг гемостазограмма хусусиятларига таъсири мавжудлиги билан боғлиқ деб тахмин қиламиз (4-жадвал).

#### 4-жадвал

##### Гемостазограмма кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили


